

## ФАҲРИДДИН РОЗИЙНИНГ МАТЕРИЯ ВА ШАКЛ, ШАКЛ ВА МАЗМУН, САБАБ ВА ОҚИБАТ ҲАҚИДАГИ ОНТОЛОГИК ТАЪЛИМОТИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-249-258>

**Умаржонов Соҳибжон Сойибжон ўғли**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Ижтимоий гуманитар фанлар” кафедраси таянч докторанти

Email: [fenomen1993@bk.ru](mailto:fenomen1993@bk.ru) ORCID 0000-0001-7799-0426

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада Фаҳриддин Розийнинг материя ва шакл, шакл ва мазмун, сабаб ва оқибат ҳақидаги онтологик қарашлари инглиз, араб ва форс тилидаги манбалар асосида содда, ҳаётий мисоллар орқали таҳлил қилинган.*

*Калит сўзлар:* Борлиқ, ваҳдат ул-мавжуд ва ваҳдат ул-вужуд, материя ва шакл, шакл ва мазмун, сабаб ва оқибат.

## ОНТОЛОГИЧЕСКОЕ УЧЕНИЕ ФАХРИДДИНА РОЗИ О МАТЕРИИ И ФОРМЕ, ФОРМЕ И СОДЕРЖАНИИ, ПРИЧИНЕ И СЛЕДСТВИИ

**Умаржонов Соҳибжон**

ТГЭУ докторант кафедрасы “Социально-гуманитарных наук”

Email: [fenomen1993@bk.ru](mailto:fenomen1993@bk.ru) ORCID 0000-0001-7799-0426

### АННОТАЦИЯ

*В статье анализируются онтологические воззрения Фахриддина Рази на материю и форму, форму и содержание, причину и следствие на простых, реальных примерах, основанных на английских, арабских и персидских источниках.*

*Ключевые слова:* Бытье, ваджиб уль-вуджуд, мумкин уль-вуджуд, материю и форму, форму и содержание, причину.

## FAHRIDDIN ROZI'S ONTOLOGICAL DOCTRINE OF MATTER AND FORM, FORM AND CONTENT, CAUSE AND CONSEQUENCES

**Umarjonov Sokhibjon**

Tashkent State Economic University (TSEU)

Department of Social Sciences

Uzbekistan, Tashkent

Email: [fenomen1993@bk.ru](mailto:fenomen1993@bk.ru) ORCID 0000-0001-7799-0426

### ABSTRACT

249

*The article analyzes the ontological views of Fakhridin Razi on matter and form, form and content, cause and effect on simple, real examples based on English, Arabic and Persian sources.*

**Key words:** *Universe, wajib ul-wujud, mumkin ul-wujud, matter and form, form and content, cause and effect.*

## КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча соҳаларида, хусусан илм-фан, маданият, таълим соҳасидаги ислоҳотлар, кенг кўламли демократик ўзгаришлар орқали янгиланаётган Ўзбекистон, ўз олдига **Учинчи Ренессанс** - ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий юксалиш пойдеворини яратишни мақсад қилиб кўйди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиб: “Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир кўлёмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради”[1;1], - деб таъкидлади. Шунингдек бой маънавий меросимизни тадқиқ этиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини халқимизга, айниқса ёшларга тушунарли тилда етказиб бериш масалалари “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли фармонида “Буюк аجدодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш” номи остида кўйидаги мақсадлар белгилаб берилди:

- ИХТ, ИРСИКА, АЙСЕСКО, ЮНЕСКО каби дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва университетлари билан ҳамкорликда “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс” шиори остида халқаро конференция, симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш.

- Буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломалар қаламига мансуб 100 та асарнинг халқчил таржимасини амалга ошириш, улар асосида илмий ва оммабоп рисоалар яратиш.

- Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислон сивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш.[2]

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Фахриддин Розийнинг фалсафий дунёқараши кенг қамровли ва мантиқий, теологик, фалсафий, ахлоқий асарларни ўз ичига олади. Унинг асарлари ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига доир долзарб муоммоларга қаратилганлиги боис нафақат Осиё балки Еврўпа олимларининг ҳам тадқиқот объектига айланган. Хусусан Фахриддин Розийнинг теологик ва Қуръон тафсирига доир диний – фалсафасий қарашлари Еврўпалик олимлар Айман Шихадех [3], Тарик Жаффер [4] ва Ясин Сейлан [3] томонидан тадқиқ қилинган. Розийнинг ахлоқий қарашларини М. Сағир Ҳасан Масуми ўз тадқиқотларида баён этиб ўтган [6]. Шунингдек профессор М.Н.Болтаев[7] ва Н. Наимовлар[8] илмий асарлари ва диссертацияларида Розийнинг онтологик, гносеологик ва мантиқий дунёқарашини биринчи манбалар асосида аниқ ва мукамал таҳлил қилган. Тадқиқот объектдан келиб чиққан ҳолда ушбу мақоламизда юкоридаги муаллифлар асарлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган Фахриддин Розийнинг бир нечта кўлзма асарлари асосида материя ва шакл, шакл ва мазмун, сабаб ва натижа ҳақидаги борлиқ фалсафаси кенгроқ очиқ беришга ҳаракат қилинди. Розийнинг онтологик қарашлари тўғрисида олдинги изланишларимизда ҳам тўхталиб ўтган эдик. [9,10,11]

Мазкур мақолада ўрганилаётган мавзу илмий тадқиқотнинг тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, таққослаш каби мантиқий методлари асосида ёритилишга ҳаракат қилинди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кишилар дастлаб воқеликнинг моддий шаклларида дуч келадилар. Илк материализм тарафдорлари оламда ҳамма нарсанинг бошида турган ва ҳамма нарсаларни келтириб чиқарган, ҳамма нарсанинг таркибига кирувчи бош сабаб «праматерия»ни, яъни материянинг бобокалонини излашган. Р.Декартнинг фикрича, бундай «праматерия» ролини ефир егаллайди. Шарқ фалсафасида материя дунёнинг асосида ётувчи моддий сабаб, илоҳий сабабнинг ҳосиласи сифатида қаралади. Ал-Киндий фикрича материя Аллоҳнинг амри билан

йўқдан бунёд бўлган. [12;47] Форобий, Ибн Сино, Тусий ва бошқалар материяни ҳар доим бўлган (дахр - мангу) деб ҳисоблаган. Ислом фалсафасида мангулик сифати фақатгина Аллоҳгагина хос сифатдир деб ҳисобланади. Жисм, модда ўткинчидир. Бир пайт пайдо бўлади ва бошқа пайтда йўқолади. Рух яратилган, аммо у абадий яшайди деб талқин этилади. Шу сабабли ислом фалсафасида материянинг мангулигини исботлашга уринувчи файласуфларни дахрийлар (дахр - мангулик) деб аташган. [13;198]

Материя моддий объектларни бирлаштирувчи тушунча. Хусусан олинганда материянинг ўзи йўқ, балки дунёда материянинг айрим предмет ёки бирор конкрет буюм шаклидаги кўринишлари учрайди. Материя эса материянинг ҳамма конкрет кўринишларига хос бўлган барча универсал хусусиятларини акс еттирувчи умумий тушунчадир.

Материя ва шаклнинг ўзаро муносабати ўтган даврларнинг барча мутафаккирлари таълимотларида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бу масалага Розий ҳам ўз диққатини қаратган.

Маълумки, Аристотель материя ва шакл масаласига илк бор шундай тариф беради: “Шакл бу – нарсаларнинг моҳиятидир, унинг ўзи дастлабки субстанция, у материядан олдин пайдо бўлган, айнан у материяни ҳаракатлантиради.”[8;65] “Метафизика” китобининг еттинчи бобида у келтириб ўтади: “Мен ҳар бир нарсанинг мавжудлиги ва дастлабки моҳиятини шакл деб номлайман”. [14;1032] Аристотелнинг мазкур масала бўйича идеалистик характердаги таълимоти шуни кўрсатадики, шакл материядан аввал келади, у ягона фаол куч, материя эса нофаол, мустақил эмас. Худди шу билан у шаклни материядан ажратиб олган ва идеализмга йўл очган.

Розий, Аристотелнинг материя ва шакл масаласига доир ечимига қўшилган холда, қадимий юнон мутафаккири таълимотидаги моддий тенденцияларни ривожлантирди. Розийнинг қарашларига кўра, “Жисмлар материя ва шаклга эга” (“Ажсом мураккабанд аз хаюла ва сурат”). [15;78] Материя деганда у предметнинг моддий моҳиятини, шакл деганда эса – материянинг кўриниши ва у қабул қилинган образини тушунади. Материя, Розий таълимотига кўра, бирламчи, у мустақил мазмунга эга. Шакл эса материяга нисбатан иккиламчи. Материя – асос, нарсалар моҳияти, шакл – ишлаб чиқилган. У тур, нарса сифатида материянинг кўринишидир. У ёзади: “Мен йигирма йил аввал қандай бўлган бўлсам, ўша одамман. Ҳозирги пайтда органларимнинг (танамнинг) бир қисми кўриниш жиҳатдан ўзгарди, деб ўйлаш мумкин. Зеро, инсон баъзида озади, баъзида эса семиради. Унинг танаси баъзи

бир сабабларга кўра, мисол учун, касаллик боис, ўзининг аввалги ҳолатини ўзгартиради. Шундай қилиб, агарда менинг бор эканлигим (моҳиятим), менинг организмда, танамда бўлганида эди, унда уларнинг ўзгариши билан мен ҳам ўзгариб кетардим, яъни, аввал бўлганимдан бошқача бўлардим. Бироқ айти пайтда танамнинг органлари ўзгарувчан бўлгани боис, мен ҳозирги пайтгача бўлганим каби, худди ўша одамман”. [16;40]

Бу мисолдан шуни англашимиз мумкинки, предметнинг моддий моҳияти доимий, шакл ўзгарувчан, битта шакл йўқолади, бошқаси пайдо бўлади, бир шаклнинг ўрнига бошқаси келади. Шакл, буюм тури сифатида, доимий равишда ўзгармас бўла олмайди.

Розийнинг фикрича жисм сифат борасида ўзгаради, бинобарин, илик нарса совуққа айланади, совуқ эса – иликка. Бошқа сифатлар билан ҳам худди шу жараён рўй беради. Моҳият, жисмларнинг асоси қолади, унинг сифатлари эса кўпсонли ва ўзгарувчан. (“Хак он аст, ки чун но мебинем, ки ин ажсом мутағайир мешавад дар сифот бо он ки гарм аст, сард мешавад ва сард-гард мешавад. Ва хамчунин дар диар сифотхо ло-буд бошад, ки зоти жиём боки бувад ва он сифатхо мутааддид ва мутағайр”). [15;79]

Розийнинг таълимотига кўра, моддий буюм шакли ўзида мужассам этувчи ҳисобланади. Ҳар қандай нарса бошқа нарса бўлиб қолиши мумкин, мавжудликнинг битта ҳолати бошқасига айланади, бироқ моҳият ҳар доим материя тарафида қолади. Розий буни қуйидагича тарифлайди: “Гарчи инсон катта бўлиб қолса ҳам, бунга қарамай, у болалигида қандай бўлган бўлса, ўшандек одам бўлиб қолаверади. Зеро, мен биладан, онам мени қандай тукқан бўлса, ўша одамман. Бола эдим, ўсмирга айландим, бугун эса – чолман. Мен бола бўлган пайтимда менинг вазним ўн олти килограммдан кам ҳам, кўп ҳам бўлмаган, бугун эса эллик килограммдан кам ҳам эмас, кўп ҳам эмасман. Шундай қилиб, менинг танам ёки озади, ёки семиради, бироқ бу барча ҳолатларда ўша одам бўлиб қоламан”. [16;82]

Розий, материя ва шакл категорияларини ўрганиш жараёнида, шакл ва мазмун тушунчасига ҳам тўхталади. Ташқи дунёнинг ҳар қандай предмети, унинг таълимотига кўра, ўз шакл ва мазмунига эга. Шакл ва мазмун биргаликда мавжуддир. Шакл ва мазмуннинг бирлиги шундаки, ҳар қандай мазмунда доимо аниқ шакл бор. Ҳақиқий ҳаётда шакл ва мазмун ҳар доим ажралмас бирликда ҳаракат қилади. Аммо бу бирликда улар тенг ҳуқуққа эга эмас. Мазмун шаклга нисбатан аниқ бир ролни бажаради. Шакл ва мазмуннинг бу субардинацияси кўзга ташланиб туради.

Мазмуннинг шаклга нисбатан устуворлик жиҳатини тан олган ҳолда, Розий айтиши пайтда шакл мазмун билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтади. Агарда мазмунсиз шакл бўлмаса, унда шаклсиз мазмун ҳам йўқ. Бу борада К.Маркс ёзган эди: “Агар мазмунда шакл бўлмаса, шакл ҳеч қандай қийматга эга эмас”. [8;62]

Шаклсиз мазмун, Розийнинг таълимотига кўра, мазмун бўлишдан тўхтайдди. Фақат аниқ шакл билан бирга ушбу аниқ мазмун мавжуд бўла олади. Бу уни қуйидаги мисолда кўрсатади: “Қобикқа (шакл) эга бўлмаган дон (мазмун) тезроқ бузилади, донга эга бўлмаган қобик эса ҳеч қандай қийматга эга эмас”. [16;47] Шундай қилиб, Розийнинг таълимотига кўра, мазмун (дон) шаклга нисбатан (қобик) бош элтувчи ҳисобланади. Шакл эса (қобик) мазмунга нисбатан (дон) иккиламчи ҳисобланади. Розийнинг таъкидлашича, уларни бир-биридан ажратиш бўлмайди, бир-бирисиз яшай олмайди. “Ҳар битта предмет ўз шаклига эга бўлиши лозим. Шаклга эга бўлмаган предмет, предмет бўлишдан тўхтайдди”. [16;63]

Маълум бўладики, Розий материя, унинг мазмуни ва шакли, шунингдек, уларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро муносабатлари ҳақида янада қимматли, теран фикрларни айтиш ўтган. Розийнинг асарларида борлиқ моддиятларининг ўзаро алоқалари ва ўзаро муносабатлари муҳим ўрин эгаллайди. Унинг бу масала бўйича қарашлари билан танишмай туриб, мутафаккир томонидан фалсафанинг асосий масаласини бир ёклама қараш орқали тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Маълумки, ўрта асрларнинг қатор файласуфлари, шу жумладан, ислом ғояларининг намоёндалари табиатдаги сабаб ва оқибат жараёнларини инкор қилганлар, улар табиатни ўз-ўзидан пайдо бўлган ҳар қандай тартибдан йироқ деб ҳисоблаганлар. Улар табиатни узлуксиз тўпланган, бир-бири билан сабабий муносабатда бўлмаган воқеа ва ҳодисалар жамланмаси сифатида тасвирлашган. Улардан фарқли ўлароқ, Розийнинг сабаб ва оқибат ҳақидаги онтологик қарашларида Ибн Синонинг таъсирини кўришимиз мумкин. Ибн Сино вужудни иккига: зарурий вужуд-вожиб ул-вужуд ва мумкин ул-вужуд – вужуди мумкинга ажратади. Зарурий вужуд ҳамма мавжуд нарсаларнинг бошланғичи – биринчи сабаби – яъни Аллоҳдир, ундан келиб чиқувчи бошқа борлиқ нарсалар вужуди мумкиндир. [17;63]

Биринчи ягона вужуддан келиб чиқувчи вужудлар, мавжуд борлиқнинг турли туман шакллари, бошланғич ягона вужуднинг ифодаланишидир. Аста-секин келиб чиқувчи борлиқ шакллари, яъни сўнгги вужудлар сабаб-оқибат муносабати шаклида ўзаро боғлиқдир. Биринчи вужуднинг хислатлари ундан

келиб чиқувчи барча вужудларга ўтиб боради. Вужуд ҳақидаги фикрлар, мавжудот шакллариининг ўзаро боғланиши, эманация Ибн Синонинг “Китоб аш-шифо”, “Китоб ан-нажот”, “Донишнома” каби асарларининг метафизика бўлимида ҳар томонлама баён этилган.[18;101]

Розий Ибн Синонинг борлик фалсафасини ривожлантириб қуйидагича таъкидлайди, ҳар қандай табиатдаги моддий предметлар у ёки бу сабабнинг натижаси сифатида юзага чиқади. Сабаб ва натижа доимий ҳаракатда ва ўзаро алоқада, улар орасида зарурий алоқа мавжуд. “Табиат (олам) турли хил жонли ва жонсиз жисмлар, субстанциялар ва акциденциялардан иборатлиги, улардан ҳар бири зарурат туфайли ўз сабаби ва натижасига эга эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ”, – деб ёзади Розий. [15;70]

Розийнинг фикрига кўра, моддий дунёда, сабабсиз ҳодисалар йўқ ва бўлиши мумкин эмас, ҳаммаси ўз сабаби ва натижасига эга, “ҳароратсиз илиқлик”, “офтобсиз ёруғлик”, “илмсиз олим”, “озуқасиз одам” бўлмайди деб Розий ҳаётини аргументлар келтиради. Розийнинг фикрига кўра, ўзаро алоқа табиий ҳодисаларга хос. У ҳеч ким томонидан ўрнатилмайди, балки, табиий характерга эга.

Унинг қарашларига кўра, олам ва табиатдаги ҳамма нарса табиий сабаблар асосида ҳаракатланади, ривожланади. Борликда ва табиатда алоҳида ва ихоталанган предметлар ва ҳодисалар мавжуд эмас. “Ҳар битта ҳодиса, ҳар битта буюм ўзаро яқин боғланган, асосийси, борликдаги (табиатдаги) мавжуд нарсалар бир-бирларисиз яшай олмайдилар, ҳодисалар алоҳида эмас, балки бошқа нарсалар билан биргаликда мавжуддир”. [15;36]

Розийнинг ушбу ғоялари, шубҳасиз, ислом илоҳиёти таълимотига, табиатдаги жараёнларга Аллоҳнинг хоҳиш-иродасига зид келади, материалистик қарашлар ривожланишига замин яратади.

Сабабий алоқа, Розийнинг фикрича, ҳодисаларнинг зарурий алоқаси шакллариининг бири ҳисобланади. Ҳодисаларнинг аввал ўтган ва кейинги кўринишдаги зарурий алоқаси, унинг кўрсатишича, бешта шаклга эга. Биринчидан, бу, ҳодисалар ва предметларнинг вақт бўйича аввалги ва кейинги кўринишларининг биргаликдаги мавжудлиги. Мисол учун, қария ва ўсмир. Вақтга кўра қария олдинда бўлади, ўсмир эса унинг ортидан йўналади.

“Иккинчидан, олдинги ва кейинги нарса ва ҳодисалар ўрин бўйича бўлиши мумкин. Мисол учун, ўқитувчи ва ўқувчи. Бу ерда ўқитувчи аввал келади, ўқувчи эса унинг ўрнига келади. Учинчидан, аввал келиш ва ундан кейин келиш ҳурмат асосига қурилган бўлиши мумкин. Масалан ўқитувчи

хали илм эгаллашга улгурмаган шогирдга нисбатан олдинда бўлиши, ўқитувчига нисбатан шогирднинг кейинги ўринда келиши. Тўртинчидан, ҳодисаларнинг аввал келиши ва ундан кейин келиши табиатан бўлиши ҳам мумкин. Яъни, бир иккидан олдин келади, икки бирнинг ортидан эргашади. Табиатга кўра, қаерда кейинги келувчи мавжуд бўлса, ўша ерда ундан олдинги келувчи ҳам мавжуддир. Бироқ, аввал келувчи бор жойда, ундан кейин келувчининг бўлиши шарт эмас. Айнан мана шу маънода аввал келувчи шартли ҳисобланади. Бешинчидан эса, ҳодисаларнинг аввал келиши ва ундан кейин келиши уларнинг моҳияти асосига қурилган бўлиши мумкин. Мисол учун, қуёш ва унинг нурлари. Бу ерда қуёш (сабаб) аввал келади, нур (оқибат) эса унинг ортидан келади. Айнан шу асосда сабаб натижадан олдин келади ва ўз навбатида натижа сабабнинг ортидан келади. (“Пеши ва паси аз панж гуна сат: Бар замон. чунонки такаддуми пир бар жавон. 2. Ба макон. Чунонки, такаддуми имом бар модун. 3. Ба шараф. Чунонки, такаддуми олим бар жоҳил. 4. Ба табъ. Чунонки, такаддуми яке бар ду. 5. Ба зот. Чунонки, такаддуми офтоб ба равшани”).[15;57]

## ХУЛОСА

Бундай қимматли ва тараққийпарвар ғоялар, материализм ва диалектика унсурлари Розийнинг онтологик таълимотида етарлича. Юқорида баён қилинган маълумотлардан кўрдикки, у ташқи дунёнинг объектив мавжудлигини ва унинг билими туйғу органлари ва онг ёрдамида, тўрт оддий унсурнинг бирлашуви натижасида ноорганик ва органик табиатнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши, субстанция ва материянинг акциденция ва шаклга нисбатан устувор роли, уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлигини тан олган, реал дунёдаги предмет ва ҳодисаларнинг сабабий алоқасини, ҳаракат, макон, замон ва уларнинг узлуксиз ўзаро алоқаси объектив борлигини тан олган. Бунинг барчаси, шубҳасиз, унинг таълимотидаги рационал марказни ташкил этади. Ва у, шубҳасиз, улкан ижобий роль ўйнади, зеро, бу – исломнинг асосий догмаларига зиддир. Шунинг учун ҳам Розийни Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг илғор фалсафий фикрларини ривожлантиришда катта роль ўйнаган ўрта асрлар даврининг эркин фикрловчи ва илғор мутафаккир-файласуфлардан, шунингдек, Ўрта Осиё ва мусулмон Шарқининг бир қатор кейинги мутафаккир-файласуфларнинг дунёқарашига улкан ижобий таъсир кўрсатганлардан бири деб бемалол ҳисоблаш мумкин.



## REFERENCES

1. Халқ сўзи ўқитувчи ва мураббилар - янги ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббилар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 01.10.2020. №207 (7709).  
<http://press.natlib.uz/ru/editions/38659>
2. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли фармонида <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Ayman Shihadeh. “The Teleological ethics of Fahr al-Din al-Razi”. Brill Leiden Boston, 2006. – bet 275
4. Tariq Jaffer. “Razi Master of Qur'anic Interpretation and Theological Reasoning”. Oxford University Press, 2015. – bet 244.
5. Yacin Ceylan. “Theological and Tafsir in the major works of Fakhr al-Din al-Razi”. Thesis presented for the degree of Ph.D. in the Faculty of Arts, University of Edinburg.1980. – p 264
6. M. Saghir Hasan Masumi, “Imam Razi’s Ilm al-akhlaq”. Kitab Bhavat.: New Delhi, 1992. – p 333
7. Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн-Сины и его школы. Душанбе, 1965. – с 295.
8. Наимов Н. Философские и логические воззрения Фахриддин Розы; Дис. канд. фил. наук – Тошкент, 1975. – с 203.
9. Умаржонов, С. С. (2022). Онтологияда субстансия ва акциденцияга доир таълимотнинг Фахриддин Розий томонидан ривожлантирилиши. Academic Research in Educational Sciences, 3(3), 961–968. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-3-961-968>
10. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
11. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ul-g‘iyosiyot” qo‘lyozma asarida aql va e’tiqod masalasining qo‘yilishi va uning diniy-falsafiy germeneytik tahlili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1058-1068.
12. Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. М., 1961.
13. Axmedova, M. “Falsafa”. Toshkent, 2006. – bet 354

14. Аристотель. Метафизика. УП,7. 1032,6-1-2
15. Фахриддин Розий. Ар-рисолат-ул-камолия. Тегеран, 1335 г. хиджри,- с 215.
16. Фахриддин Розий “Чахордах рисола” Тегеран, 1340 г. хиджри, 185 стр.
17. М. М. Хайруллаев. Абу Али ибн Синонинг илмий-фалсафий ва ижтимоий қарашлари. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
18. Д. Пўлатова, М.Қодиров, М.Аҳмедова, А.Абдуҳалимов, Ш.Шозамонов. Шарқ фалсафаси. Ўқув қўлланма. –Тошкент: “ЈАНОН PRINT”. 2011. – 516 б.